



Нилуфар ИСАКУЛОВА

**НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСНИ МУҲОФАЗА  
ҚИЛИШНИ ЎРГАНИШ ВА ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ**

Маколада номоддий маданий меросни муҳрфаза қилишни илмий жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқот ишларини ташкил этиш моҳияти очиқ берилган.

*Калит сўзлар: номоддий маданий мерос, таълим, механизм, тизим.*

В статье раскрыта сущность организации научных работ и научное учение по защите нематериального культурного наследия.

*Ключевые слова: нематериальное культурное наследие, образование, механизм, система.*

In the article the essence of the mechanisms of formation of the system of protection of intangible cultural heritage in General and secondary special, professional education.

*Key words: intangible cultural heritage, education, mechanism, system.*

Номоддий маданий мерос хдмжамиятлар, гуруҳ/лар, алоҳида ҳолатларда эса муайян шахе маданий меросининг бир қисми сифатида тан олинган бўлиши керак. Мазкур Конвенцияда номоддий маданий мерос сифатида тан олинмаган объектга нисбатан яна бир қатъий талаб қўйилади. Унга кура махрлий, миллим ва халқаро даражада бўлсин инсон ҳуқуқлари соҳасида амалдаги халқаро ууқуқий актлар билан мувофиқлаштирилган, турли қамжамиятлар, гуруҳлар ва шахслар ўртасида ўзаро ҳурматни йўлга қўйиш талабларига мос келадиган, барқарор тараққёт талабларига мос тушувчи номоддий маданий меросгина эътиборга олинади.

БМТнинг 2004 йилда эълон қилган “Барқарор тараққёт” дастури, 2009 йилда қабул қилинган “Маданий мерос объектларини муҳрфаза қилиш ва улардан фойдаланиш” тўғрисидаги Қонунга ўзгартиш ва қушишгаалар қилини тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 228 ЎРҚ Қонуни, 2010 йилда қабул қилинган “2010—2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳрфаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури” илмий тадқиқотни ташкил этиш учун ҳуқуқий асосни таъминламоқда. Давлат дастурининг II бўлими — “Номоддий маданий меросни илмий жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқот ишларини ташкил этиш”, IV

*Нилуфар Исакулова — Ўзбекистон давлат жаҳон тилларн университети профессори, педагогика фанлари доктори.*

булими — “(оҳа мутахассисларини тайёрлаш ва малака ошириш ишлари- ни ташкил этиш” масалаларига бакишланиб, унинг 5-бандида номоддий ма- даний мероснинг йўналишлари бўйича грантлар ажратилишини таъминлаш, илмий-тадқиқот шпларини кучайтириш, тадқиқот ишларига ёш олимларни жалб этиш; 21. 22, 23, 24, 26. 27. 30, 32, 33-бандларида олий таълим, ўрта махсус, касб-хунар ва умумий ўрта таълим муассасаларида илмий, ташки- лий-услубий фаолиятни ташкил этиш бўйича вазифалар белгилаган [4].

Ёш авлодни маънавий-ахлокий жихатдан тарбиялашда халқнинг бой миллий. маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий кадриятларга асосланган самарали ташкилий. педагогии шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришни устуворлиги таъмииланади. Умумий ҳамда педагогии маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат ахрлиеи орасидаги маъ- рифий ишлар такомиллаштириб борилади [1].

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистан Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи. шахе, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва мада- ний эҳдиёларини крндирувчи устувор соҳадир. Узлуксиз таълим ижод- кор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахе шаклланиши ва юқори мала- кали рақрбатбардош кадрлар тайёрлаиши учуй зарур шарт-шароитлар яратади.

#### *1-жадвал*

#### **Узлуксиз таълимда халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий кадриятларнинг устуворлиги**

<b>Кадрлар тайёрлаш ти- зимини тубдан иелох цилишнинг муҳим омили</b>	<b>Узлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш принципи сифатида</b>	<b>Узлуксиз таълим соҳасидаги иелохотлар бўйича</b>
Миллий ўзликни англаш- шшг усиб бориши, ва- таниарварлик, ўз ватами учуй ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизни иг иттеллекту- ал меросига хурмат	Таълимнинг миллий йуналтирилгапли! таъ- лимнинг миллий та- рих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан уз- вий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданияти- ни сақлаб қолиш ва бо- йтиш. таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини хурматлашдап иборат	Миллий мустақиллик принциплари ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий кадриятларнинг устуворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим олув- чиларнинг маънавий ва ахлоқш фазилатларини ривожлантириш

Номоддий изданий мерсснп муҳофаза қилиш Конвенцияси (2003 йил, Париж) қабул қилинишининг асосий сабаби, биринчи навбатда, уни муҳрфаза қилиш ва келгуси авлодларга етказишдадир. Турли ёшдаги аҳолини НММдан хабардор қилиш, тарғиб этиш воситасида унинг бугунги кундаги ақамиятини ошириш имконияти яратилса, таълим тизимига татбиқ этиш орқали унинг давомийлигини таъминлаш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам НММ бўйича маълумотларнинг расмий ва норасмий таълим орқали аҳолига етказилиши муҳим аҳамият касб этади.

НММнинг расмий таълим орқали ўқувчи ва талабаларга етказилиши борасида Ўзбекистонда ўзига хос енгиллик томонлари ва мураккаблик томонлари мавжуд. Расмий таълимда НММ тўғрисидаги маълумотларни камраб олишнинг енгиллиги шундаки, Ўзбекистон таълим тизимида 1997 йилдан бошлаб таълим стандартлари ишлаб чиқилган ва таълим стандартларига киритилган предметлар тегишли йуналишлардаги барча таълим муассасалари- га бир вақтнинг ўзиде жорий этилиши мумкин. Мураккаблик томони эса таълим стандартлари асосида ишлаб чиқиладиган ўқув режаларига хоҳлаган пайтда узгартиришлар киритиш имконияти йўқ. Дна шу хрлатни хисобга олган хрлда “2010-2020 йилларда НММни муҳофаза қилиш. сақлаш. тарғиб қилиш ва самарали фойдаланиш тўғрисида”ги Давлат дастурининг (2010 й., октябрь) IV бўлими тўлалигича шу соҳа кадрлариини тайёрлаш, уларнинг ма- лакасини ошириш. таълим тизимига татбиқ этиш масалаларига бағишланган.

Хусусан, Давлат дастурида қуйидагилар назарда тутилган:

НММни ўрганиш масалаларини олий таълим ва ўрта махсус, касб- хунар таълими муассасаларининг ўқув дастурларига киритиш, қўлланмалар тайёрлаш ва чоп этиш,

НММни сақлаш ва муҳофаза қилиш тушунчаларини умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган ижтимоий фанлар ҳамда ўқув дастурларига киритиш;

умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг малака ошириш курслари ўқув режалари ва дастурларига иомоддий мадапий меросни ўрганигага бағишланган мавзуларни киритиш;

НММ билан боғлиқ фанлардан сабоқ берувчи ўқитувчиларнинг ихти- сослик салохиятини ошириш:

НММни сақловчи ва етказувчиларни ўқув дастурларини такомиллаш- тириш ишларига ва бевосита ўқув жараёнига жалб этиш;

нодавлат ташкилотлар ва муассасаларга мўлжалланган, номоддий изданий меросдан тадбиркорликда фойдаланишга оид дастурлар ишлаб чиқиш;

НММни ўрганишга қизиқувчи талаба ва ўқувчилар учун ёзги ўқув курслари, очик эшиклар кунини каби тадбирларни ташкил этиш;

ёшларни номоддий изданий мерос бўйича материаллар тўплаш ва тарғибот ишларига жалб этиш;

НММ билан шуғулланувчи мутахассисларнинг малакасини ошириш ва хрказо.

Таълим стандартларини такомиллаштириш жараёнида НММ тўғрисидаги маълумотларни расмий таълимга татбиқ этиш борасида ҳозирги кунда ту имкониятлардан фойдаланилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистан давлат санъат ва маданият институтининг “Халқ ижодиёти” таълим йўналишидаги 5 та бўлимнинг таълим стандарти ва ўқув режасига “Ўзбекистан номоддий маданий мероси” фани киритилган. Мазкур институт цошидаги Малака ошириш марказида олий таълим муассасалари профессор ўқитувчиларнинг малака ошириш курслари- да номоддий маданий мерос фани ўқитилмоқда ва айнан шу марказда Ўзбекистоннинг маданият ва аҳоли дам олиш марказлари (уларнинг сони 894 тани ташкил этади)нинг рах^бар ва ижодий ходимларининг номоддий маданий мерос бўйича бир уафталик малака ошириш курслари ташкил этилган.

Илмий-тадқиқот ишларини узлуксиз олиб бориш.яъни битирув малакавий.магпстрлик.докторлик диссертация, ўқитувчилик фаолияти билан боғлиқ бўлган илмий-услугий ва илмий-тадқиқот ишларини ҳамда фан ва техноло- гиялар тараққиётининг устувор йўналишлари бўйича амалий, фундамента.!, инновацио ва ёш олимлар грант лойиҳалари давомида мазкур мавзу билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларини узлуксиз давом эттириш талиб этилади. Шу билан биргаликда битирув малакавий иш, магистрлик, докторлик диссертациялари, ўқитувчилик фаолияти билан боғлиқ бўлган илмий-услугий ва илмий-тадқиқот уамда лойиуа натижаларини расмийлаштириш юза- сидан алоқадорлик ва узлуксизлик мавжуддир.

Бугунги кунда таклиф этилаётган номоддий маданий мерос мавзуси билан боғлиқ амалий илмий-техник тадқиқотлар дастурларидан цуйидагилар мавжуд:

— ЕА1-003. “Ўқувчиларда номоддий маданий меросни муҳофаза цилиш тизимини шакллантириш” мавзусидаги 2014—2015 йилларга мўлжалланган ёш олимларнинг амалий лойиҳаси:

— ЮНЕСКОнинг Бангкок (Таиланд) шаурида жойлашган Минтацавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда “Барқарор тараққиёт учуй таълимни кучайтириш мақсадида педагоглар орасида номоддий маданий меросни тарғиб қштиш” мавзусидаги халцаро лойиҳа;

— А1-011. “Номоддий маданий мероснинг табиат ва коинотга оид би- лим ва урф-одатларини таълим тизимига татбиц этиш” мавзусидаги 2015- 2017 йилларга мўлжалланган амалий лойиуа;

— А1-018. “Номоддий маданий мерос ва ўзбек фольклори ижрочилик санъати” номли мультимедиа шаклидаги электрон ўқув цў.тланмапи 2015- 2017 йилларга мўлжалланган амалий лойиҳа доирасида тайрлаш.

Юқорда кайд этилган концептуал муаммолар “2010—2020 йиллар- да номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори асосида ишлаб чиқилди. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг назарий муаммо- лари қуйидагилардан иборат:

1. Номоддий маданий мерос муаммоларига бағишланган халқаро ва республика плмий-амалий анжуманларини ўтказиш.

2. Халқимиз тарихи, маданияти, ватанпарварлик ва халқ қахрамон- ларнинг жасорати, миллий қадрият ва анъаналарни тараннум этувчи са\на асарларини яратиш, ушбу йўналишларда яратилган асарларни томошабинлар орасида кенг намойиш этишни йўлга қўйиш.

3. Номоддий маданий мероснинг тарғиботи билан боғлиқ фестиваллар ўтказилишини ташкил этиш \амда ёритиш.

Номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг аматий муаммола- ри қуйидагилардан иборат:

1. “Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатини юритиш тўғрисида”ги низом ва “Номоддий маданий мерос объектларини тарихий- маданий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом асосида иш- ларни олиб бориш.

2. Давлат ва нодавлат ташкилотларнинг номоддий маданий мерос ма- салаларидаги фаолиятини мувофиқлаштириш.

3. Номоддий маданий мероснинг йўналишлари бўйича грантлар ажра- тилишини таъминлаш. илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш.

4. Номоддий маданий мерос тарихининг моҳиятини очиб берувчи қадимий қўлёзмалар, фоно ёзувларни ўрганишни давом эттириш.

5. Муҳофаза остита олинмиши лозим бўлган номоддий маданий мерос объ- ектларининг рўйхатини тузиш ва доғсий янгиланиб борилишини ташкил этиш.

6. Номоддий маданий меросни хужжатлаштириш, архив.таштириш,маъ- лумотлар базасини ташкил қилиш айдозаларипи ишлаб чиқиш ва амалиёт- га татбиқ этиш.

Номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг ижтимоий муаммо- лари қуйидагилардан иборат:

1. Номоддий маданий мерос объектларининг миллий рўйхатини шакл- лантириш ва доимий янгиланиб боришини таъминлаш.

2. Номоддий маданий мерос объектларининг маҳаллий рўйхатларини шакллантириш ва доимий янгиланиб боришини назорат остита олиш.

3. Ўзбекистоннинг қадимий фольклор ва анъанавий ижрочилиги сакла- ниб қрилган Сурхондарё, Қашқадарё, Самарканд, Навоий, Бухоро, Хоразм ви- лоятлари, Қўрақ. шоғистон Республикаси ва Фарғона водийси бўйлаб комплекс фольклор экспедицияларини уюштириш.